

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРАБОВ НУРАЛИ УРАЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Арабов Нурали Уралович

Ўзбекистон Республикасида меҳнат

бозори инфратузилмасини ривожлантириш

самарадорлигини ошириш..... 5

Арабов Нурали Уралович

Повышение эффективности развития

инфраструктуры рынка труда

в Республике Узбекистан.....31

Arabov Nurali Uralovich

Improvement of effectiveness of development

of labour market infrastructure

in the Republic of Uzbekistan.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРАБОВ НУРАЛИ УРАЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИ
ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.10 – Демография. Мехнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt25 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tdiu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Холмўминов Шайзоқ Раҳматович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махмудов Носир Махмудович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сотиволдиев Абдулазиз Абдумунинович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Раҳимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ кун соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-27;

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кун тарқатилди.

(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Х. Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ЎзФА академиги

Н.Т. Шаюсупова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Н.Қ. Зокирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли турмуш сифатини оширишда бандлик муҳим аҳамият касб этгани сабабли меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш керакки, “жаҳонда бугунги кунда ишсизлик даражаси 5,8 %ни ташкил этган шароитда 1,4 млрд.дан ортиқ киши ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нуфузи паст бўлган иш билан банд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Яхши ҳимоя қилинмаган иш билан бандларнинг сони йилига 11 млн. кишига ошмоқда. Бу ҳолат жиддий муаммоларни юзага келтирган ҳолда уларнинг доимий даромадлар ва етарлича ижтимоий ҳимояга эга бўлган хавфсиз иш жойларига эга бўлиш имкониятларини чегараламоқда”¹.

Жаҳонда меҳнат бозори ва инфратузилмасини самарали ривожлантириш борасида олиб борилаётган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ишчи кучининг касбий ҳаракатчанлигини ошириш, бандликка кўмаклашиш соҳасида турли даражалардаги ташкилий тузилмалар фаолият самарадорлигини ошириш, меҳнат бозори ва аҳолининг ижтимоий-демографик гуруҳлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари яратиш бўйича мақсадли давлат буюртмаларини шакллантириш, ҳудудий ахборот тизимларини такомиллаштириш ҳамда нодавлат иш билан бандлик хизматини ривожлантириш каби илмий йўналишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқнинг турмуш сифати даражасини ошириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишчи кучининг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда иш билан бандлик хизмати тизимига хос малакали кадрларни тайёрлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожланиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни ҳал этишда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини интеграл баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлат ва нодавлат бандлик хизматлари самарали ривожланиши ва меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹World Employment and Social Outlook 2017: Sustainable enterprises and jobs: Formal enterprises and decent work International Labour Office – Geneva: ILO, 2017.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //Lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3001-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг уствор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» уствор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, International Labour Organization, Institute of Labour Economics (Германия), The National Institute of Labour Studies (Австралия), Institute for Research on Labor and Employment (АҚШ), Rand Institute Labour and Population Program (АҚШ), Danish National Institute of Social Research (Дания), Institute for Social and Economic Research (Буюк Британия), Labour Institute for Economic Research, (Финляндия), Institute for Labour Market Policy Evaluation (Швеция), Employment Policies Institute (АҚШ), The Japan Institute of Labour (Япония), Stockholm Institute of Transition Economics (Швеция), Москва давлат университети, Россия иқтисодий университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодий университети ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда меҳнат бозори ва инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: белгиланган аниқ ижтимоий-иқтисодий параметрлар асосида аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш механизми такомиллаштирилган (Institute of Labor Economics, Германия); иш билан бандлик самарадорлигини ошириш

³ Richard B. Freeman. Labour market institutions and economic performance. *Econ Policy* (1988) 3 (6): 63-80. <https://doi.org/10.2307/1344504>. Harvard University; Albrecht Glitz. Coworker networks in the labour market. *Labour Economics*. Volume 44, January 2017, pages 218-230. <http://dx.doi.org/10.1016/j.labeco.2016.12.006>. Universitet Pompeu Fabra and Barcelona GSE, Spain; Werner Eichhorst. Reforming German labour market institutions: A dual path to flexibility. *Journal of European Social Policy* Vol 21, Issue 1, 2011. Institute for the Study of Labor (IZA), Bonn, Germany; Lewis Abbott. *Theories of the Labour Market and Employment: A Review*. Industrial Systems Research. Manchester. England. Revised 2-nd edition. Copyright 2010, 2011; International Labour Organisation. *Key Indicators of the Labour Market*. Third edition. Geneva, International Labour Office, 2003; Gosta Esping-Andersen, Marino Regini. *Why Deregulate Labour Markets?* Oxford University Press, 2003.

механизмлари меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришиш, ишчи кучи ҳаракатчанлигини таъминлаш негизида такомиллаштирилган (Labour Institute for Economic Research, Финляндия); иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадли меҳнат сегментларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган (Employment Policies Institute, АҚШ), иш билан бандликни таъминлаш соҳасида меҳнат муносабатлари ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ишчи кучини касбга тайёрлаш асосида такомиллаштирилган (The Japan Institute of Labour, Япония).

Жаҳонда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: потенциал иш билан бандлик ва минтақаларни мақсадли ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш асосида давлат ва нодавлат бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш; мақсадли параметрлардан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва самарали инфратузилмасини ривожлантириш прогноз параметрларини ишлаб чиқиш методикасини такомиллаштириш; иш кучининг касбий ҳаракатчанлиги, рақобатбардошлиги ва фаоллигини ошириш асосида иш билан таъминлаш ҳудудий дастурини такомиллаштириш; меҳнат бозорига оид кўрсаткичларни бозор сегментларига нисбатан дифференциал баҳолашни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар⁴, жумладан, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М.Фишер, Г.Э.Слезингер, Р.Д.Эренберг, А.Пигу, В.В.Адамчук, О.В.Ромашов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.А.Волгин, С.А.Карташов, А.И.Рофе, Б.Г.Збышко, В.В.Ищин, Л.Чиждова, В.В.Куликов, С.Н.Смирнов, Т.Ю.Сидорина ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

МДХнинг қатор олимлари, жумладан С.В.Дудников, О.А.Варфоломеева, Н.Ведерникова, О.Колесникова, Д.Чернейко, Т.А.Чусова,

⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс-Т.3. 1984. -119 с.; Regional labour markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987. - 500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. - 336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. – М.: Прогресс - Т.2 - 1985. – 240 с.; Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. – М.: ЮПИТИ, 1999. - 407 с.; Одегов Ю.Г. и др. Рынок труда и социальное партнерство: Монография / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.Г.Митрофанов. – М.: Хронограф, 1998. - 240 с.; Волгин Н. Теоретические основы экономики труда и социальных отношений // Экономика и социальные отношения. – М.: РАГС, 1998.; Карташов С.А., Одегов Ю.Г., Кокорев И.А. Трудоустройство: поиск работы. Учебное пособие / Под. ред. Ю.Г.Одегова. – М.: Издательство «Экзамен», 2002. – 348 с.; Рофе А.И., Збышко Б.Г., В.В.Ищин. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда. – М.: 2010; Инновационная экономика: занятость, трудовая мотивация, эффективность труда / Л.С. Чиждова, Е.С. Садовая, В.В. Кузьмин и др. под ред. Л.С. Чиждовой. Институт макроэкономических исследований. – М.: Экономика, 2011. - 430 с.; Куликов В.В. и др. Экономика труда: учебно-методическое пособие / Институт труда Минтруда РФ. – М.: Финстатинформ, 2002.; Смирнов С.Н., Сидорина Т.Ю. Социальная политика (учебник). – М.: Издательский дом «ГУВШЭ», 2004. - С. 431.

Ю.В.Просветова⁵лар меҳнат бозори ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизми муаммолари бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борган. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши каби муаммолар Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Л.П.Максакова, Ш.Р.Холмўминов, Б.Х.Умурзаков, З.Я.Худойбердиев, Д.Ортиқова, Д.Н.Раҳимова, Н.Х.Раҳимова, Н.З.Зокирова, К.З.Хомитов, Н.Шаюсупова⁶ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида республикамиз меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган. Бугунги воқелик нуқтаи назаридан Ўзбекистонда меҳнат бозори инфратузилмасининг таркибий қисмлари элементлари ва уларнинг ўзаро функционал алоқадорлиги, ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари ҳамда комплекс баҳолаш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № А-2-29 «Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг услубий асослари ва амалий йўналишларини такомиллаштириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁵ Дудников С.В. Программное регулирование содействия занятости населения в мегаполисе: монография. – М.: изд-во НИП «2Р» - 2004.; Варфоломеева О. Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике (на примере Санкт-Петербурга). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Спб., 2001; Ведерникова Н., Гендлер Г. Инфраструктурная асимметрия на российском рынке труда // Человек и труд. - 2001. - №2. - С. 57-59.; Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости // Человек и труд. - 2002. - № 3. - С. 55-56.; Чернейко Д. Рынку труда необходим действенный регулирующий механизм // Человек и труд. - 2001. - № 6. - С. 20-22.; Чусова Т.А. Развитие информационного рынка труда как фактор стабилизации социально-трудовых отношений / <http://www.work.kemsu.ru/sciece/1/1/shtml>; Просветова Ю.В. Механизм регулирования рынка труда в современной экономике России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Воронеж, 2003.

⁶Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2006; Қ.Х.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 2009; Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: Ижтимоий меҳнат муносабатлари: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва таксимланишининг ҳудудий хусусиятлари. Монография. – Т.: «LESSON PRESS» 2017. 188 б.; Максакова Л.П. Узбекистан: совершенствование управления трудовой миграцией в аспектах принимающих стран // V Уральский демографической форум. Россия 2014; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2014; З.Я.Худойбердиев ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. «ILMZIYO» 2016; Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ. – Т.: ТГЭУ. 2006.

«меҳнат бозори инфратузилмаси» категориясининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллиф қарашларини шакллантириш;

меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг тамойиллари, мезонлари ва кўрсаткичларини таснифлаш ҳамда хорижий ёндашувларни илмий изоҳлаш;

меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини интеграл баҳолашни илмий-услубий жиҳатдан асослаш;

меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш ва истиқболлаштиришнинг ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати ва унга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этиш;

иқтисодий-математик усуллар ёрдамида меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий омилларини тадқиқ этиш;

давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш;

меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш услубларини ишлаб чиқиш;

меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг молиявий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозори инфратузилмаси субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, меҳнат бозори инфратузилмаси субъектларининг фаолиятида амалга ошадиган ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли таҳлил, гуруҳлаш, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белгиланган потенциал ишчи кучи бандлиги ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворлигини уйғун таъминлаш асосида давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг самарали ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқбол мақсадлари ва меҳнат бозори хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва самарали инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2018-2021 йилларга бўлган даврдаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ривожланишини баҳолаш методикаси иш кучини касбга йўналтириш ва касбга тайёрлаш,

меҳнат воситачилиги ва молиявий тизимлар самарадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

фаол иш билан бандлик ҳамда иш кучининг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш асосида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ёндашуви такомиллаштирилган;

бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикаси иш изловчиларнинг бандлик хизматига мурожаат этганлик, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш берувчилар билан ишлаш даражасини таснифлашга дифференциал ёндашиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг сифат кўрсаткичларини муҳим мезони сифатида унинг инфратузилмаси ижтимоий-иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи берилган;

меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудда ишчи кучига бўлган талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш, ва аксинча меҳнат ресурслари етишмайдиган ҳудудда ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини оширишга бўлган ёндашув муаммога тизимли ёндашув ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

иш билан бандлик ҳудудий хизмати органлари фаолиятининг турли даражаларини ўз ичига олувчи ва ўзаро боғлиқ вазифаларни бажарилишини таъминловчи функционал тузилмаларни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали уларни ишга ёллаш ва жойлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика кўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган методологик ва услубий таклиф ва тавсиялар меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш, бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва иш билан бандликни таъминлашнинг нодавлат хизматини ривожлантиришга оид илмий аппаратни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳоли бандлигини ошириш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурлар ва прогнозларни ишлаб чиқиш, Бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек «Меҳнат иқтисодиёти», «Меҳнат

бозори иқтисодиёти», «Кадрлар менежменти», «Меҳнат ресурсларини бошқариш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

белгиланган потенциал ишчи кучи бандлиги ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворлигини уйғун таъминлаш асосида давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг самарали ҳамкорлигини амалга ошириш бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич сон буйруғи асосида банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш амалиётига жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги № 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар иш билан бандлик хизматлари фаолиятини стратегик режалаштириш самарадорлигини ошириш, меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш имконини берган;

меҳнат бозори инфратузилмасини истиқболда ривожланишининг асосий кўрсаткичларини прогнозлаштириш параметрлари бўйича берилган таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич сон буйруғи билан аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари ва 2021 йилгача бўлган концепциясини тайёрлашда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги № 02-07/5361-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлардан фойдаланиш иш билан бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш улушини муайян даражада ошириш имконини берган;

меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ривожланишини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич сон буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги № 02-07/5361-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ҳудудий бандлик хизматлари фаолияти ривожланишининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг алоҳида таркибий қисмларида юзага келган ўзгаришлар улушини аниқлаш имконини берган;

аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ёндашувини фаол иш билан бандлик ҳамда иш кучининг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич сон буйруғи билан аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9

октябрдаги № 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ҳудудий бандлик хизмати фаолиятини ривожлантириш стратегиялари ва комплекс дастурларини ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол иш билан бандлик тадбирларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланганлик даражасини оширди;

бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 26 сентябрдаги 213/1-ич сон буйруғи асосида функционал бўлинмалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш жараёнига жорий этилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 9 октябрдаги № 02-07/5361-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини иш изловчиларнинг бандлик хизматиغا мурожаат этганлик, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш берувчилар билан ишлаш даражаларини таснифлашга дифференциал ёндашиш асосида баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан, 11 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, шу жумладан, 4 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 5 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 247 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда меҳнат бозори инфратузилмаси функционал элементлари ва таркибий қисмларининг моҳиятини тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида меҳнат бозори инфратузилмаси категориясининг муаллифлик таърифи ва ушбу бозор инфратузилмасининг ривожланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Шунингдек, меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисми элементларининг ўзаро самарали алоқадорлиги аниқланиб, унинг ривожланиш мезонлари ва кўрсаткичларининг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг хорижий мамлакатлар тажрибаси илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган ва улардан республикада фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳозирги вақтда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантиришга янгича ёндашувни шакллантиришни зарурат этмоқда. Меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асосларини илмий асосда ёритиш самарали меҳнат бозори шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини оширади.

Меҳнат бозори инфратузилмаси – бу иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат ва нодавлат хизматларни, корхона ва фирмалардаги кадрлар бўлимларини, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларини ўз ичига олувчи, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи ҳамда ўзаро ҳамкорликни таъминловчи норматив-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ахборот механизмларини юзага келтирадиган меҳнат бозорининг таркибий қисмидир.

Меҳнат бозори инфратузилмаси функционал элементлари ва таркибий қисмлари унинг устқурмавий элементлари сифатида давлатнинг тартибга солиш роли, ҳуқуқий нормалар ва қонунларнинг қабул қилиниши, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, инвестициялар ҳаракатини бошқариш, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ишчи кучи шаклланишига таъсир этиш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасининг ташкилий таркиби, яъни макро ва микро даражалардаги ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув тузилмаларидан ташкил топади. Меҳнат бозори инфратузилмасининг иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида турли даражалардаги субъектларини

моҳияти ва функцияларини тавсифловчи тузилмавий таркиби ишлаб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвал


Меҳнат бозори инфратузилмаси даражалари ва функциялари⁷

Даражалар	Функциялар
Халқаро	Миллий меҳнат бозорларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича халқаро меъёрлар, конвенциялар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш.
Миллий	Миллий меҳнат бозори шаклланишининг меъерий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини жорий этиш.
	Ижтимоий ва меҳнат қонунчилиги тизимини яратиш.
	Меҳнат муносабатларини бошқариш доираси ва ишга ёллаш соҳасида иш берувчилар ҳамда ёлланма ишчилар ҳуқуқларини аниқлаш.
Худудий	Худудда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
	Худудий даражада иш билан бандлик концепциясини шакллантириш.
	Аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича самарали ҳамда истиқболли худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
	Худудда ишчи кучи сифат таркибини такомиллаштириш ва меҳнат салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.
	Худудда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
	Худудда инновацион иш билан бандликни шакллантириш ва меҳнат бозори эгилувчанлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш.
Корхона (фирма)	Корхона миқёсида ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
	Ишчи-ҳодимлар касбий-малака таркибини такомиллаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали ривожланиш шароитларини назарий жиҳатдан асослаш орқали унинг ривожланиш тамойиллари ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий мақсадларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, меҳнат бозорида иш кучини талаб ва таклиф қилиш ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминловчи норматив-ҳуқуқий механизмни яратиш, иш билан бандлик бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш, меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишига тизимли ёндашиш, иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини «кун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик»ка риоя қилган ҳолда эркин белгилаш каби тамойилларга асосланиши меҳнат бозорининг самарали ривожланиш имкониятини яратади.

Аҳоли иш билан бандлигини тартибга солиш ва меҳнат бозорини бошқаришда мазкур бозор инфратузилмаси таркибий қисмларининг асосий элементлари ва уларнинг ўзаро боғланиши назарий-услубий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда унинг таркибий тузилмаси ишлаб чиқилган (1-расм).

⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисми элементларининг ўзаро боғланиш чизмаси⁸

⁸Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Меҳнат бозори инфратузилмаси иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим таркибий қисми сифатида мураккаб, очиқ ва ривожланиб боровчи тизимга хос бўлган тузилмавий тавсифга эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими, хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида нисбатларни юзага келтирувчи бозор механизми каби элементларнинг яхлитлиги ва бир бутунлигидан иборат.

Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари ва шарт-шароитларини илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида мазкур бозор инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари таклиф этилган.

Ушбу мезонлар ва кўрсаткичлардан фойдаланиш меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш механизмларини, мақсадли комплекс дастурларини ҳамда меҳнат бозори ривожланишини истиқболлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш имконини беради.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш ва истиқболлаштириш услубиятини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари таснифланган ва меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмларини ривожланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари асосида уларни интеграл баҳолаш методикаси такомиллаштирилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш ва истиқболлаштиришнинг ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун мақбул усуллардан фойдаланиш зарур. Бу билан боғлиқликда қўйилган масалалар қуйидагилардан иборат: иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқ этилаётган усулларни тизимлаштириш; ҳудудий иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар тизими ва усуллари таҳлил этиш; иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш унинг якуний иш натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш асосида амалга ошириш учун: иш изловчи фуқароларнинг иш билан бандлик хизматиға мурожаат этганлик даражасини баҳолаш; иш топиш мақсадида мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлиги; иш берувчилар билан ишлаш бўйича самарадорлик кўрсаткичлари гуруҳларга ажратиб таснифланди.

Бироқ иш билан бандлик хизмати ўзининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсади йўлида иш берувчилар ва ишсизлар ўртасидаги бевосита воситачилик ролидан билвосита воситачилик ролига ўтиши орқали ўз миқдорлари ҳаракатларини мувофиқлаштирувчиси сифатида янги иш билан бандлик концепциясини такомиллаштириши зарур.

2-жадвал

Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичлари тизими⁹

Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари ривожланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари
I. Меҳнат воситачилиги тизими
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилган фуқаролар сони, киши. 2. Мурожаат қилганлар сонидан иш билан бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлашганлар ҳиссаси, %. 3. Иқтисодий тармоқларида ишга қабул қилинганлар сонидан иш билан бандлик хизмати кўмаги билан ишга жойлашганлар ҳиссаси, %. 4. Ишсизлик давомийлигининг солиштирма миқдори, %. 5. Ишсизликнинг ўртача давомийлиги, ой. 6. Ҳар бир рўйхатга олинган ишсизга тўғри келадиган бўш иш жойлари сони, бирлик.
II. Касбга йўналтириш ва касбга тайёрлаш тизими
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонидан касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатилган шахслар ҳиссаси, %. 2. Иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси, %. 3. Ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонидан ўз-ўзини иш билан бандлигига кўмаклашиш кўрсатилган фуқаролар ҳиссаси, %.
III. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишсизлар умумий сонидан моддий қўллаб-қувватланган кишилар ҳиссаси, %. 2. Рўйхатга олинган ишсизларнинг умумий сонидан ижтимоий мослашув бўйича тадбирларда қатнашган фуқаролар ҳиссаси, %. 3. Ишга жойлашган ўсмирлар сони, киши. 4. Ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонидан жамоат ишларида қатнашган фуқаролар ҳиссаси, %. 5. Ишга жойлашган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг сони, киши.
IV. Молиявий тизим
<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат иш билан бандлик хизматининг умумий харажатларида иш билан бандликка кўмаклашиш дастурларининг фаол йўналишлари бўйича харажатлари ҳиссаси, %. 2. Ҳар бир расмий рўйхатга олинган ишсиз учун касбий таълимга харажатлар, сўм. 3. Иқтисодий фаол аҳоли ичида ҳар бир иш билан банд бўлмаган ҳисобида касбга йўналтирилганларга қилинган харажатлар, сўм. 4. Ҳар бир ишсизга тўғри келадиган ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат иш билан бандлик хизмати харажатлари, сўм. 5. Жамоат ишларида қатнашган ҳар бир кишига тўғри келадиган жамоат ишларини ташкил этиш бўйича харажатлар, сўм.

⁹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масаласи иш берувчилар ва ишсизлар ўртасида муросавий муносабатларни шакллантиришни назарда тутди. Муросага келишни бундай баҳолаш мезони иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондириш имкониятлари ҳисобланади. Шундай экан, иш билан бандлик хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш учун иш берувчилар ва ишсизлар талабини қондирилиш даражасини аниқлаш зарур.

Шунга кўра, меҳнат бозори конъюнктураси нуқтаи назаридан меҳнат бозори сегментидаги талаб ва таклифнинг номувофиклиги даражаси, иш изловчи фуқароларни ишга жойлаштириш коэффиценти, иш билан бандлик хизмати органларининг меҳнат бозорини қамраб олиш даражаси (бўш иш жойлари сони бўйича, корхоналарга жалб қилинганлар сони бўйича, рўйхатдаги ишсизлар сони бўйича), иш билан бандлик хизматига мурожаат қилиш коэффиценти, иш жойларига талабнинг қаноатлантириш даражаси, ишчи кучи таклифи бўйича иш жойларининг қаноатлантириш даражаси кўрсаткичларини иш билан бандлик хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги комплекс кўрсаткичлар тизимида кўшиш таклиф этилди.

Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмларининг ривожланиш самарадорлигини баҳолаш учун хусусий кўрсаткичлар тўплами керак. Кўрсатилган кўрсаткичларни танлашнинг асоси бўлиб, ҳар бир таркибий қисм бажарадиган мақсадли функцияларни таъминлашда уларнинг ҳиссасини эксперт баҳолаш ҳисобланади (2-жадвал).

Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмларини ривожланиш самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари асосида комплекс баҳолаш формуласи таклиф этилди:

$$K_i^x = Y_i \times V_i, (1)$$

бунда: K_i^x – комплекс баҳолаш мақсади учун ҳисобланган i -чи хусусий кўрсаткич қиймати; Y_i – тузатиш киритилган i -чи хусусий кўрсаткич қиймати, %; V_i – i -чи хусусий кўрсаткичнинг миқдорий коэффиценти.

Меҳнат бозори инфратузилмаси самарадорлигини интеграл кўрсаткичлари Π^k қийматининг суммаси орқали аниқланади:

$$\Pi^k = \sum_{i=1}^n K_i^x, (2)$$

бунда: n – хусусий кўрсаткичлар сони.

Ҳудудий меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиш самарадорлигини баҳолаш интеграл кўрсаткичнинг миқдорий қийматига боғлиқ: агар Π^k қиймати 95 дан кам бўлса, у ҳолда самарадорлик паст деб тан олинади; агар Π^k қиймат 95 дан 105 гача оралиқда бўлса, у ҳолда самарадорлик яхши, деб ҳисобланади; агар Π^k қиймат 105 дан юқори бўлса, у ҳолда самарадорлик юқори деб ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткичнинг амалий аҳамияти меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг динамик самарадорлигини баҳолаш ва унинг алоҳида таркибий қисмларида юзага келган ўзгаришлар улушини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишига унинг таркибий қисмлари алоҳида тизимлари таъсирини ҳамда ривожланишини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш учун интеграл баҳолаш натижаларига кўра, яхлит инфратузилма 2013 йилда 93,8 ва 2017 йилда 91,9 қийматга эга бўлганлиги П^к қиймат бўйича самарадорлик паст ҳисобланади (3-жадвал). Мамлакатимизда таҳлил қилинаётган даврлар оралиғида меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиш самарадорлиги унинг барча таркибий қисмлари бўйича умумий ҳисобда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожланиш самарадорлигига алоҳида тизимларнинг таъсири¹⁰

Тизимлар	Шаклланиш самарадорлиги		
	2013 й.	2017 й.	Ўзгариш (+) ўсиш, (-) пасайиш
Меҳнат воситачилиги тизими	49,0	46,1	-2,9
Касбга йўналтириш ва касбга тайёрлаш тизими	12,9	13,7	+0,8
Ижтимоий кўллаб-қувватлаш тизими	12,3	11,5	-0,8
Молиявий тизим	19,6	20,6	+1,0
Яхлит инфратузилма	93,8	91,9	-1,9

Меҳнат бозорида ахборотларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги иш билан бандликка кўмаклашиш доирасида номутаносиб ҳолатларни келтириб чиқаради, агарда бўш иш ўринларига ишчи кучи етишмайдиган жойда ишсизлар мавжуд бўлса, ишсизлар сони билан бўш иш ўринлари сони ўртасидаги номувофиқлик меҳнат бозоридаги тиғизлик коэффициентини ошишига олиб келади. Шунга кўра, меҳнат бозорида ҳудудий иш билан бандлик сиёсатини самарали амал қилиши учун ҳудуддаги бўш иш жойларининг сифатли таснифи ва ишсизлар сони ҳақида барча оператив маълумотларни ўз ичига олувчи, ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича ҳудудий ахборот тизимини шакллантириш ва иш билан бандлик сиёсатини ахборот ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Меҳнат бозорида талаб ва таклифни тартибга солиш бўйича ҳудудий ахборот тизимларини яратилиши бозор алоқаларини шакллантириш, меҳнат бозорида хўжалик субъектлари трансакцион харажатларини камайтириш, тармоқлар бўйича ишчи кучи тақсимланишини оптималлаштириш мақсадида улар ўртасида интенсив алоқаларни қарор топтириш шарт-шароитларини вужудга келтиради. Тўпланган маълумотларнинг ишончилиги меҳнат бозори самарали мониторингини таъминлаш учун ахборотлар узатиш жараёнини тезлаштиради ва ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари

¹⁰Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

учун иш билан бандликка кўмаклашиш дастурини ишлаб чиқишда маълумотлар базасини шакллантиради.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва омиллар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида республикамиз меҳнат бозорининг жорий ҳолати ва унга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда меҳнат воситачилиги соҳасида улар ўртасидаги муносабатлар бўйича қўшма фаолиятни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Меҳнат бозорида давлат иш билан бандлик хизмати ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаришда асосий субъект ҳисобланади. Шундай экан, давлат иш билан бандлик хизматининг асосий вазифаси ишчи кучига талаб ва таклиф мувофиқлигини таъминлаш билан бирга, нодавлат иш билан бандлик хизмати органларини ташкил этиш ва уларнинг меҳнат воситачилиги билан самарали шуғулланишлари учун имкониятлар яратишга кўмаклашиши зарур. Меҳнат бозорида ташкилий тузилмаларни иш билан бандлик соҳасидаги фаолиятларининг асосий мақсади – ишсизликни камайтириш ва иш билан бандлик даражасини оширишдан иборат.

Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланиши унинг тизимидаги барча аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашувчи тузилмалар фаолиятларининг самарадорлигига боғлиқдир. Шунга кўра, давлат иш билан бандлик хизматининг ишсизликни камайтириш билан боғлиқ ижтимоий функциялари ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги иқтисодий функциялари унинг икки томонлама моҳиятини аниқлаб берган ҳолда, республика меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатлар мувофиқлигини таъминлаш омиллари ва тенденцияларини тадқиқ этиш натижасида мазкур бозор инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишда қуйидаги: ишсизлик нафақаларининг камлиги; Бандликка кўмаклашиш марказлари таклиф этаётган иш жойларининг маъқул эмаслиги; иқтисодиётнинг пинҳоний секторининг мавжудлиги; ишсизликнинг узок давом этиши; корхоналардан иш билан бандлик хизматига бериладиган талабноманинг катта қисми ночор тармоқлардан, оз қисми барқарор ривожланаётган тармоқлардан эканлиги; меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга талабнинг мос келмаслиги; ижтимоий ҳимояга муҳтожлар салмоғининг ишсизлар ўртасида ортиб бориши; иш берувчилардан келадиغان катта миқдордаги қийин бажариладиган талабномалар; бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларни етишмаслиги; ўқув юртларининг иқтисодиёт тармоқлари билан талабалар амалий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича етарли даражада алоқаларнинг мавжуд эмаслиги; нодавлат иш билан бандлик хизматларининг етарли даражада ривожланмаганлиги; ишчи кучи талаб ва таклифининг сон ва сифат кўрсаткичлари билан мос келмаслиги каби хусусиятлар ва омиллар аниқланди.

Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини эконометрик таҳлили иқтисодий-математик усуллар воситасида мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик кучини тадқиқ этиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш ва тажриба орқали кузатиш имконини беради. Меҳнат бозорида иш билан банд бўлмаган фуқароларни иш жойига эга бўлиши бўйича истиқболли талабни аниқлашнинг эконометрик модели ишлаб чиқилган. Моделнинг статистик танланмасига республиканинг 2001-2017 йиллар давомидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тегишли макроиқтисодий ҳамда меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари киритилди. Бунда натижавий кўрсаткич ҳисобланган «Бандликка кўмаклашиш марказларида (БКМ) иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғи»га танланмага киритилган омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди.

Бандликка кўмаклашиш марказларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғига таъсир этувчи омиллар таҳлили орқали ишлаб чиқилган моделда F-Фишер мезонининг ҳақиқий қиймати $F_{\text{ҳақиқий}}=137,62$. Шунингдек, эркинлик даражалари сони сурат бўйича $\gamma_1=4$ ва махраж бўйича $\gamma_2=8$ га тенг бўлганда, Фишер мезонининг жадвал қиймати (моҳиятлик даражаси $p=0,95$ да) учун $F_{\text{жадвал}}=3,84$. Демак, ҳосил қилинган кўп омилли регрессия тенглама аҳамиятли ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари¹¹

Кўп омилли корреляция коэффициенти R	Кўп омилли детерминация коэффициенти R-квадрат	Корректлаштирилган R-квадрат	Баҳолашнинг стандарт хатоси	F-ҳақиқий	P-қиймат	DW
0,994	0,987	0,980	1,18807	137,62	$3,2 \cdot 10^{-8}$	2,008

Демак, регрессия тенгламасига киритилган омиллар юқори аҳамиятли, аҳамиятли, нисбатан аҳамиятли ва аҳамиятсиз ҳисобланади. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, моделга киритилган юқори аҳамиятли ва аҳамиятли омиллар алоҳида ажратиб кўрсатилди (5-жадвал).

Ишлаб чиқилган чизикли регрессия модели куйидаги кўринишга эга:

$$Y = -80,953 + 0,008X_2 - 4,528X_4 - 1,249X_5 + 2,068X_9 + 1,855X_{10}, \quad (3)$$

Шундай қилиб, натижавий кўрсаткич “БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғи”га “ишсизлар сони (минг киши)”, “ишсизлик даражаси (%)”, “корхоналардан бўшатиш ходимларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилганлик даражаси (%)”, “иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашдан ўтганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси (%)”, ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар

¹¹Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган ва ҳисобланган.

умумий сонида касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатилган шахслар ҳиссаси (%) каби омилларнинг таъсири аҳамиятлидир (5-жадвал).

5-жадвал

Чизиқли регрессион моделга киритилган аҳамиятли омиллар¹²

Натижавий кўрсаткич (Y) – БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғи (%)					
Аҳамиятли омиллар	Стандартлаштирилган коэффицентлар		Стандартлаштирилган коэффицентлар	t-мезон	P-миқдор
	B	Стандарт хато	Бета		
(Константа)	-80,953	17,879		-4,528	0,001
X ₂	0,008	0,003	0,293	2,647	0,027
X ₄	-4,528	2,486	-0,077	-1,821	0,102
X ₅	-1,249	1,794	-0,073	-0,696	0,504
X ₉	2,068	0,235	0,700	8,805	0,000
X ₁₀	1,855	0,665	0,182	2,789	0,021

Юқорида келтирилган омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ишсизлар сони (X₂)нинг минг кишига ошиши БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғининг 0,008 фоизга камайишига олиб келади.

2. Ишсизлик даражаси (X₄)нинг бир фоизга ошиши БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғининг 4,528 фоизга камайишига олиб келади.

3. Корхоналардан бўшатирилган ходимларнинг иш билан бандлик хизматига талаб этилган даражаси (X₅)нинг бир фоизга камайиши БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғининг 1,249 фоизга ошишига олиб келади.

4. Иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси (X₉)нинг бир фоизга ошиши БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғининг 2,068 фоизга ўсишига олиб келади.


5. Ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонида касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатилган шахслар ҳиссаси (X₁₀)нинг бир фоизга ошиши БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғининг 1,855 фоизга ўсишига олиб келади.

Республикада инновацион иқтисодиётнинг ривожланиб бориши меҳнат бозорининг ташкилий тузилмалари сифатида давлат иш билан бандлик хизмати органлари билан бирга турли ихтисослашган ва универсал тижорат

¹²Бунда: X₂ – ишсизлар сони (минг киши); X₄ – ишсизлик даражаси (%); X₅– корхоналардан бўшатирилган ходимларнинг бандлик хизматига талаб этилган даражаси (%); X₉ – иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссаси (%); X₁₀ – ишга жойлашиш масалалари бўйича иш билан бандлик хизматига мурожаат қилганлар умумий сонида касбга йўналтириш бўйича хизматлар кўрсатилган шахслар ҳиссаси (%).

иш билан бандлик органлари: меҳнат биржалари, ўқув марказлари, рекрут агентликлари меҳнат бозорида аҳамиятли ўринга эга бўлмоқда. Нодавлат иш билан бандлик хизмати меҳнат воситачилиги билан шуғулланишда давлат иш билан бандлик хизмати сингари ўз фаолиятида бир қанча йўналишларга эга бўлиб, улар меҳнат воситачилигининг кўринишлари, меҳнат бозорида функцияларнинг тақсимланиши, ходимларни танлаш мезонлари, ихтисослашиш даражаси ва босқичлари, фаолият доираси ҳамда малака ва тармоқ хусусиятларига кўра таснифланди.

Меҳнат бозорида рекрутинг агентликларининг персонални танлаш бўйича хизматларини пирамида модели бўйича тавсифлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Меҳнат бозорида рекрутинг хизматларининг шаклланиш модели¹³

Пирамиданинг асосида – куйи даражадаги бўш иш ўринларини тўлдириш бўйича хизматлар (ишга жойлаштириш бўйича агентлик, персонал лизинги), ўртача даражада – ўрта бўғинга мутахассисларни танлаш, юқори даражада – юқори бошқарув лавозимларига ва энг юқори бошқарув бўғинига раҳбарларни танлашдан иборат.

Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматларининг муносабатлари, яъни конкрет бўш иш ўринларига ходимларни танлаш, ходимларни мақсадли танлаш, конкрет мутахассислар учун бўш иш жойларини излаш, ижтимоий ҳимоя ва иш билан бандлик хизматидан фойдаланишга муҳтож фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича қўшма ҳамкорликни амалга ошириш меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг муҳим шарт-шароити ва омили ҳисобланади. Бироқ ҳудудий даражада турли йўналишларга асосланган ихтисослашган меҳнат биржаларининг шаклланмаганлиги, бу масала бўйича давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланмаганлигини ифодалайди.

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозори инфратузилмасининг тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида меҳнат бозорини тартибга солишга тизимли ёндашув хусусиятлари ва тамойиллари таснифланиб, уни тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий механизми тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат ресурслари шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солишнинг ҳудудий усулларини такомиллаштириш ҳамда меҳнат бозорида ҳудудий иш билан бандлик дастурини бажариш самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Меҳнат бозорини тартибга солишга тизимли ёндашувда унинг барча таркибий қисмларини бирданига тавсифлаш, бир вақтда улардан фойдаланишни кўрсатиш имкони мавжуд эмаслиги алоҳида тамойилларни ажратишни талаб этади. Меҳнат бозорини тизимли тартибга солиниш даражаси асосан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари моҳиятига боғлиқдир. Давлат ўз зиммасига оладиган ижтимоий-иқтисодий вазифалари меҳнат бозорини тартибга солиш йўналиши ва тамойилларини белгилаб беради. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солиш жамият қандай ижтимоий-иқтисодий моделни танлашидан қатъий назар зарур ҳисобланади.

Меҳнат бозорида иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш чоратadbирларини ўзаро боғлиқ ҳолда турли хусусиятларига кўра гуруҳлаш мумкин. Меҳнат бозорини тартибга солиш йўналишлари иқтисодий ва ижтимоий тартибга солиш турларига таснифланса ҳам, уларга таъсир этиш нуқтаи назаридан бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш турларига бўлинади. Бевосита тартибга солиш йўналишларига: янги иш ўринларини яратиш, касб-хунар таълими ва қайта касбга тайёрлаш, меҳнат қонунчилигига оид ўзгартиришлар ва бошқа тадбирлар киради. Меҳнат бозорини билвосита тартибга солиш чораларига солиқ, пул-кредит сиёсати, ишсизларни иш билан таъминлаш бўйича тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, субсидиялаш, ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа умумиқтисодий тавсифга эга чораларни киритиш мумкин.

Меҳнат бозорини тартибга солиш кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини аниқлашдан иборат бўлиб, турли даражаларда комплекс бошқарув функцияларини амал қилиши асосида унинг барча элементлари рационал шаклланишини таъминлаши керак. Бунга боғлиқ ҳолда меҳнат бозорини давлат томонидан бошқариш хусусиятлари ва умумий чегараларини аниқлаш асосида уни тартибга солиш йўналишлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларига мос равишда амалга оширишни назарда тутади.

6-жадвалда ҳудудий меҳнат бозорлари учун умумий бўлган микро даражада тартибга солишнинг табақалаштирилган йўналишлари келтирилган. Шу билан бирга, ҳар бир минтақа ҳудудларининг демографик ҳолати, иқтисодий-географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби ва аҳоли иш билан бандлиги бўйича ўзига хос фарқли жиҳатларига эга.

Республикада меҳнат бозорини тартибга солиш йўналишларига мувофиқ меҳнат ресурслар ортиқча ҳудудларида ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш ҳамда меҳнат ресурслари етишмайдиган ҳудудларида ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини оширишнинг ҳудудий усуллари такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

6-жадвал

Ҳудудий меҳнат бозорини тартибга солиш йўналишларининг табақаланиши¹⁴

Ижтимоий-демографик	Демографик вазиятни барқарорлаштириш, миграцион жараёнларни тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони динамикасини прогнозлаштириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш, ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёлланма ишчиларнинг дастлабки ва иккиламчи мослашувчанлигини таъминлаш.
Иқтисодий	Корхоналарга кредит ва солиқ имтиёзлари бериш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўринларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва ўз-ўзини иш билан бандлигини рағбатлантириш, корхоналарнинг банкрот ҳолатидаги иш жойларини квоталаш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун ихтисослашган инвестициялар, касаначиликни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари фарқларни олиб ташлаш ва тариф тизимини такомиллаштириш.
Ташкилий-ҳуқуқий	Иш жойларини квоталаш, турғунлик ҳолатидаги алоҳида ҳудудларга имтиёзлар бериш, кадрларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг ривожланиши, иш билан банд бўлмаганлар ва ишсизларни касбга йўналтириш, жамоат, мавсумий ва вақтинчалик ишларни ташкил этиш, иш вақтини ташкил этишнинг эгилувчан шаклларида фойдаланиш, малакали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасида мувозанатни таъминлаш.
Таркибий-ахборот	Мутахассисликлар ва касбларнинг ягона таснифлагичини яратиш, ҳудудий ахборот тизимларини яратиш, бўш иш ўринлари банкини яратиш, ҳудудий меҳнат бозорларини моделлаштириш, меҳнат бозори мониторингини ўтказиш, иш билан бандлик сиёсатини ахборот ва илмий-методик таъминоти, маркетинг ва истиқболлаштириш.
Ижтимоий-маданий	Ишчи кучининг меҳнат салоҳиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучининг касбий даражасини ошириш, ишга ёллашда бажариладиган ишларга қўйиладиган талабга ишчи кучи сифат таркибининг мувофиқлигини таъминлаш.

Давлат иш билан бандлик сиёсати меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилган иш кучини тармоқлар ва иш билан бандлик кўринишлари бўйича қайта тақсимлашда ижтимоий жиҳатдан мувофиқ иш билан бандлик даражасини таъминлашга йўналтирилиши зарур. Шунга кўра, самарали ва истиқболли иш билан бандлик дастурини тузиш мақсадида давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.


¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида янги йўналиш бўлиб, иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ мақсадли ўқитиш ва конкрет иш ўринлари бўйича алоҳида касбларга ўқитиш ҳисобланади. Ишсизларни қайта ўқитиш тизими ривожланишининг мақсади: ишсизлар учун меҳнат бозорида малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш орқали ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш; иш берувчилар учун бир мунча мос келадиган, касбий тайёргарликка эга ишсизлар захирасидан мустақил равишда танлаш имкониятининг кенгайиши; иш билан бандлик хизмати учун қайта тайёргарликдан ўтган ишсизлар ва уларни ёлловчи иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузиш бўйича мақбул натижаларга эришиш, бўш иш жойларини малакали кадрлар билан тўлдириш, иш жойига қабул қилинган ишчиларни узоқ муддат давомида барқарор меҳнат фаолиятини юритишини таъминлашга эришиш, ишсизлик даражасининг камайиши, ишсизликни давомийлигининг қисқариши, иш жойларини банд қилиш даражасини ошириш имкониятини яратади.

Иш билан бандликнинг фаол тадбирларига қилинадиган харажатлар шуни кўрсатадики, унга қилинадиган ҳар бир сўм сарфларнинг қайтими 1,1-1,2 сўм самара беради¹⁵, шундай суммага ишсизларга ижтимоий тўловлар учун қилинадиган харажатларни камайишига олиб келади.

Диссертациянинг «Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш» деб номланган бешинчи бобда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилган ҳамда меҳнат бозорининг ривожланиши прогнозлаштирилган.

Меҳнат бозори ривожланишининг тенденциялари ва хусусиятлари таҳлилий натижаларидан келиб чиқиб, республикада иш билан бандларнинг 2018-2021 йиллардаги прогноз параметри аниқланган (3-расм).




3-расм. Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлар сонининг истиқболдаги ўзгариши, %¹⁶

¹⁵Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.


¹⁶3-4-5-расмлар ва уларда келтирилган таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва ҳисобланган.

Шунингдек, республикада ишга жойлаштириш бўйича Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ишга жойлаштирилганлар улуши ҳамда ишсизлик даражасининг ўзгариш тенденциялари таҳлилий натижаларидан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткичларнинг 2018-2021 йиллардаги прогноз параметрлари аниқланган (4-5-расмлар).



4-расм. Ўзбекистон Республикасида БКМларига иш сўраб мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш улушининг истиқболдаги ўзгариши, %

Кейинги йилларда республикада демографик вазият барқарорлашганлигига қарамасдан, ҳали ҳам аҳолининг табиий кўпайиши МДҲ мамлакатларидаги ўсишга нисбатан анча юқоридир. Таҳлил натижаларига кўра, агар республикада 2021 йилга келиб, аҳоли сони 2001 йилга нисбатан 40,2 % ёки 10094,5 минг кишига ортадиган бўлса, шу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 77,2 % ёки 7084,2 минг кишига ва иш билан банд бўлган аҳоли сони 68,3 % ёки 6241,7 минг кишига ошиши кутилмоқда. Бундай кўрсаткичлар истиқболлаштириш даврида меҳнат ресурсларининг йилига ўртача камида 2,0 %дан юқори ўсиши натижасида рўй беради.



5-расм. Ўзбекистон Республикасида ишсизлик даражасининг истиқболдаги ўзгариши, %

Шунингдек, республика Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан ишга жойлаштирилганлар улуши 2001 йилда

68,7 %ни, 2005 йилда 79,8 %ни, 2017 йилда 84,6 %ни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич 2021 йилга келиб, 87,4 %га ошиши ҳамда иқтисодийни модернизациялаш асосида замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, янги иш ўринларининг яратилиши билан боғлиқ фаол тадбирларни амалга оширилиши натижасида 2021 йилга келиб, ишсизлик даражасининг 2017 йилга нисбатан 0,2 %га камайиши кутилмоқда.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг асосий таркибий қисми бўлган ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг турли даражаларини ўз ичига олувчи ва бир-бирига яқин масалалар бажарилишини таъминловчи функционал тузилмаларни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу функционал тузилмаларнинг шакллантирилиши меҳнат бозорида самарали давлат сиёсатини юритишнинг ташкилий асоси ҳисобланади.

Миллий меҳнат бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларидан келиб чиқиб, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепция меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг ташкилий-институционал ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган тизимли тарзда амалга ошириладиган тадбирлар мажусидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасининг самарали шаклланиши ва ривожланиши учун унинг амалдаги ташкилий-иқтисодий ва институционал тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг стратегиясини такомиллаштириш: иш билан бандлик хизмати органлари томонидан иш билан бандлик дастурини стратегик режалаштириш жараёнида келажакдаги потенциал ишчи кучи таклифи ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар асосида хулоса бериш; малакали мутахассисларнинг резюме бўйича маълумотлар банкини яратиш ва уларнинг индивидуал сифат таркибининг турли хиллигини таъминлаш; корхоналарнинг буюртмасига кўра мақсадли касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил этиш; корхона ва фирмаларда ходим иш жойининг иш ҳақи бўйича уни қаноатлантириш даражасини баҳолаш; ёшларни меҳнатга мослаштириш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш, уларни касбга йўналтириш сиёсатини ишлаб чиқиш; ижтимоий ҳимояга мухтож фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича имтиёзлар яратиш.

2. Меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий элементларининг инновацион ривожланиш йўналишлари: иш билан бандлик хизмати меҳнат бозори ривожланишининг ижтимоий функцияси ҳисобланган ишсизлик муаммоларини ҳал этиш ва иқтисодий функцияси ҳисобланган иш билан бандликни таъминлаш ўртасида турли хил вариантлардан энг оптималини танлаб олиши ва амалга ошириши; инновацион иқтисодий ривожланишига мос меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф шаклланишининг эгилувчанлигини таъминлаш; ижтимоий лойиҳалаштиришда иш билан бандлик хизматининг инновацион имкониятларини рўёбга чиқариш; иш

билан бандликка кўмаклашишнинг инновацион тури ҳисобланган Виртуал агентликлар фаолиятини кенгайтириш.

3. Меҳнат бозорини молиявий таъминлашни ислоҳ қилишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш: корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақидан аҳолини иш билан таъминлаш давлат жамғармасига ажратмалар ҳажмини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини таъминлаш; аҳолини иш билан таъминлаш Давлат жамғармасига нафақат иш ҳақидан, балки бошқа кўринишдаги даромадлардан (тадбиркорлик даромадлари, фойдада иштирок этишидан даромадлар) ажратмаларни кенгайтириш; республикада ишсизликдан суғурталашнинг умумдавлат мажбурий суғуртаси билан бирга ихтиёрий суғурталашни жорий этиш; иш билан бандлик давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий манбаларини кенгайтириш.

4. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг йўналишларини такомиллаштириш: иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг турли даражаларини ўз ичига олувчи ва бир-бирига яқин масалаларни бажарилишини таъминловчи функционал тузилмаларни шакллантириш; иш берувчилар билан ишлашда корхонада иш билан бандлик масалаларига тегишли турли хил жараёнларни истиқболлаштиришдан тортиб, корхонани модернизациялаш, ривожлантиришда махсус буюртмаларни бажариш учун ходимларни мақсадли тайёрлашгача бўлган жараёнлар бўйича самарали методикани ишлаб чиқиш; иш билан бандлик хизмати органларининг миқозлар билан ишлаш доирасини кенгайтириш.

5. Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш: давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари ўртасида конкрет бўш иш ўринларига ходимларни мақсадли танлаш бўйича ҳамкорликни ўрнатиш; давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари ўртасида ягона бўш иш ўринлари банкени вужудга келтириш ҳамда ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш; малакали кадрлар бўйича икки томонлама маълумотлар банкени яратиш; аҳолини иш билан таъминлашда тармоқлардаги касбий-малака таркиби бўйича ихтисослашиш.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. «Меҳнат бозори инфратузилмаси» категорияси – иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат ва нодавлат хизматларни, корхона ва фирмалардаги кадрлар бўлимларини, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларини, ишчи кучини талаб ва таклиф қилиш ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи ва ўзаро ҳамкорликни таъминловчи норматив-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий ва ахборот механизмлари муҳитини ўз ичига олувчи меҳнат бозорининг таркибий қисмидир.

2. Давлат ва нодавлат бандлик хизматларининг самарали ҳамкорлигини

ишчи кучи бандлиги ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворлигини уйғунлаштириш асосида ташкил этиш фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унинг инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг прогноз параметрларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқбол мақсадлари ва меҳнат бозори хусусиятлари асосида ишлаб чиқиш прогнознинг асосланганлик даражаси юқорилиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.

4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастури натижадорлиги муайян даражада фаол иш билан бандлик, иш кучининг касбий ҳаракатчанлиги ва рақобатбардошлигини ошириш омилларига боғлиқдир.

5. Фуқароларнинг бандлик хизматиға мурожаат этиши, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва иш берувчиларларнинг улар билан ишлаш даражаларини баҳолашга дифференциал ёндашиш бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини оптимал баҳолаш имконини беради.

6. Ҳудудий меҳнат бозори инфратузилмасида ҳудудий ахборот тизимини яратиш ва муайян параметрлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш асосида иш билан бандликка кўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш ва мониторингини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

7. Меҳнат бозори инфратузилмаси самарали ривожланишининг асосий кўрсаткичлари қийматларини истиқболлаштиришда регрессия тенграмасини тузиш бўйича мезонларга асосланган ҳолда қуйидаги эконометрик моделлардан фойдаланиш тавсия этилади: Ўзбекистон Республикаси бўйича БКМларида иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш салмоғини, ишсизлар сонини истиқболлаштиришда логарифмик моделдан; ишсизлик даражасини истиқболлаштиришда даражали моделдан; корхоналардан бўшатишган ходимларнинг иш билан бандлик хизматиға талаб этилган даражасини истиқболлаштиришда даражали моделдан; иш билан бандлик хизмати томонидан ташкил этилган касбга тайёрлашни битирганлар сонидан иш жойига эга бўлганлар ҳиссасини логарифмик моделдан.

8. Нодавлат иш билан бандлик хизматининг ривожланиш мезонлари меҳнат воситачилигининг кўринишлари, таклиф этилаётган хизматларнинг кўринишлари, функцияларнинг тақсимланиши ва хизматларни тақдим қилиш усули бўйича таснифланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.1.16.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АРАБОВ НУРАЛИ УРАЛОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ
РЫНКА ТРУДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

08.00.10 – Демография. Экономика труда

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора экономических наук (DSc)

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.DSc/Iqt25.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (tdiu.uz) и на Информационно-научном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: **Холмунинов Шайзок Рахматович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Махмудов Носир Махмудович**
доктор экономических наук, профессор

Сотиволдиев Абдулазиз Абдумунинович
доктор экономических наук, профессор

Рахимова Дилфуза Нигматовна
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.I.16.02 по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, г. Ташкент ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100003, г. Ташкент, ул. И.Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-27; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

К.Х.Абдурахмонов
Председатель научного совета по
присуждению ученой степени,
академик Академии Наук РУз.

Н.Т.Шаюсупова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени,
кандидат экономических наук, доцент

Н.К.Зокирова
Заместитель председателя научного
семинара при научном совете по
присуждению учёной степени,
доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Эффективное развитие инфраструктуры рынка труда остается одной из актуальных проблем, поскольку занятость населения имеет важное значение для улучшения качества жизни в мире. Стоит отметить, в условиях когда уровень безработицы в мире составляет 5,8 %, более 1,4 млрд. работников заняты на низкопрестижных с социально-экономической точки зрения работах, основная часть которых приходится на развивающиеся страны. Количество недостаточно защищенных занятых ежегодно увеличивается на 11 млн. человек. Такое положение, наряду с серьезными проблемами, приводит к ограничению их возможностей получать постоянный доход и достаточно безопасное социально-защищенное рабочее место¹⁷.

В мире особое внимание уделяется научным исследованиям по развитию рынка труда и его инфраструктуры. В данном контексте большое значение приобретают научные исследования по таким направлениям, как повышение профессиональной мобильности рабочей силы, повышение эффективности организационных структур на различных уровнях занятости, формирование целевых государственных заказов создания рабочих мест с учётом потребностей рынка труда и социально-демографических групп населения, совершенствование территориальных информационных систем и развитие негосударственных служб занятости.

В настоящее время в стране особое внимание уделяется вопросам повышения качества жизни населения, обеспечения занятости населения, повышения профессиональной мобильности и конкурентоспособности рабочей силы, подготовки высококвалифицированных кадров для системы обслуживания занятости и эффективного развития инфраструктуры рынка труда. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены следующие задачи: «... создание новых рабочих мест и обеспечение рациональной занятости населения, прежде всего выпускников средних специальных и высших учебных заведений, обеспечение сбалансированности и развития инфраструктуры рынка труда, сокращение уровня безработицы¹⁸». При решении данных задач особенно важно улучшить методологическую основу интегральной оценки эффективности развития инфраструктуры рынка труда и углубление исследований в таких областях, как эффективное развитие общественных и негосударственных служб занятости и совершенствование организационных и экономических механизмов регулирования рынка труда.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии

¹⁷World Employment and Social Outlook 2017: Sustainable enterprises and jobs: Formal enterprises and decent work International Labour Office – Geneva: ILO, 2017.

¹⁸Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», приложение 1, <http://www.lex.uz>

действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и от 24 мая 2017 года № УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду», Постановлению Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года ПП-3001 «О мерах по организации деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, регулирующих данную сферу.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹⁹.

Научные исследования в области формирования и развития рынка труда, а также совершенствования их организационно-экономических механизмов, ведутся в ведущих высших учебных заведениях и научных центрах мира, в частности, International Labour Organization, Institute of Labour Economics (Германия), The National Institute of Labour Studies (Австралия), Institute for Research on Labor and Employment (США), Rand Institute Labour and Population Program (США), Danish National Institute of Social Research (Дания), Institute for Social and Economic Research (Великобритания), Labour Institute for Economic Research, (Финляндия), Institute for Labour Market Policy Evaluation (Швеция), Employment Policies Institute (США), The Japan Institute of Labour (Япония), Stockholm Institute of Transition Economics (Швеция), Московский государственный университет, Российский экономический университет (Россия), Ташкентский государственный экономический университет и Самаркандский государственный университет (Узбекистан).

В мире получены ряд научных результатов по совершенствованию методологическо-методических основ эффективного развития рынка труда и её инфраструктуры, в частности: совершенствование механизмов разработки программ занятости на основе определенных социально-экономических параметров (Institute of Labor Economics, Германия); механизмы повышения эффективности занятости, достижение сбалансированности между спросом и предложением рабочей силы на рынке труда совершенствованы на основе обеспечения мобильности рабочей силы (Labour Institute for Economic Research, Финляндия); организация занятости и повышение ее

¹⁹Richard B. Freeman. Labour market institutions and economic performance. *Econ Policy* (1988) 3 (6): 63-80. <https://doi.org/10.2307/1344504>. Harvard University; Albrecht Glitz. Coworker networks in the labour market. *Labour Economics*. Volume 44, January 2017, pages 218-230. <http://dx.doi.org/10.1016/j.labeco.2016.12.006>. Universitet Pompeu Fabra and Barcelona GSE, Spain; Werner Eichhorst. Reforming German labour market institutions: A dual path to flexibility. *Journal of European Social Policy* Vol 21, Issue 1, 2011. Institute for the Study of Labor (IZA), Bonn, Germany; Lewis Abbott. *Theories of the Labour Market and Employment: A Review*. Industrial Systems Research. Manchester. England. Revised 2-nd edition. Copyright 2010, 2011; International Labour Organisation. *Key Indicators of the Labour Market*. Third edition. Geneva, International Labour Office, 2003; Gosta Esping-Andersen, Marino Regini. *Why Deregulate Labour Markets?* Oxford University Press, 2003.

эффективности усовершенствовано на основе согласования целевых сегментов рабочей силы (Employment Policies Institute, США); разработка целевых программ и трудовых отношений в области обеспечения занятости усовершенствованы на основе профессиональной подготовки рабочей силы (The Japan Institute of Labour, Япония).

В мире проводятся исследования по совершенствованию научной базы для эффективного развития рынка труда и её инфраструктуры, в том числе, по следующим приоритетным направлениям: повышение эффективности государственных и негосударственных служб занятости на основе обеспечения согласованности потенциальной занятости и целенаправленного развития регионов; совершенствование методологии разработки прогнозных параметров тенденций эффективного развития рынка труда и её инфраструктуры на основе целевых параметров; совершенствование региональной программы занятости на основе повышения профессиональной мобильности, конкурентоспособности и эффективности рабочей силы; совершенствование дифференцированной оценки рыночных показателей рынка труда.

Степень изученности проблемы. Научно-методологические аспекты формирования и развития рынка труда исследованы многими зарубежными учеными²⁰, в частности, такими учеными, как Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, М.Фишер, Г.Э.Слезингер, Р.Д.Эренберг, А.Пигу, В.В.Адамчук, О.В.Ромашов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Н.А.Волгин, С.А.Карташов, А.И.Рофе, Б.Г.Збышко, В.В.Ищин, Л.Чижова, В.В.Куликов, С.Н.Смирнов, Т.Ю.Сидорина и др.

Помимо этого, в работах таких ученых СНГ, как С.В.Дудников, О.А.Варфоломеева, Н.Ведерникова, О.Колесникова, Д.Чернейко, Т.А.Чусова, Ю.В.Просветова²¹ проведены целевые исследования по проблемам

